# Сиздан бошланади асли Тафаккур
# Мунис муаллимлар, Сизга ташаккур!

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 4 октябрь, жума | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 75 (6772)

**ДАЪВАТ**

*Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз.*

Ислом КАРИМОВ

**ИБРАТ**

*Пайариқ туман Халқ демократик партияси кенгаши маорифчиларнинг касб байрамлари арафасида тумандаги бир гуруҳ ўқитувчи ва тарбиячиларни Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотлади.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА!

*Азиз ўқитувчилар, меҳрибон мураббийлар!*

*Сизларни касб байрамингиз — Халқ таълими куни муносабати билан чин кўнгилдан самимий табриклайман.*

*Доно халқимиз шарқона эҳтиром билан сизларни УСТОЗ деб эъзозлайди. Зеро, ёшларнинг қалбини уйғотадиган, уларнинг юракларида истеъдод булоқларини очадиган, инсоннинг ўзлигини танитадиган сиз — устозларсиз.*

*Азиз устозлар! Ватанимиз, заминимиз, дилимиз ва тилимиз мустақил бўлганига ҳам 5 йил тўлди. Ана шу давр ичида тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларидан, маданий ва маънавий меросимиздан ёш авлодни огоҳ этиш, уларда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, ўзликни англаш, шунингдек, дунё тараққиётидан баҳра олиб давлатимизни ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқадиган ворислар етиштириш борасида сизнинг ҳиссангиз беқиёсдир.*

*Илму маърифатда, маънавиятда жаҳонга машҳур бўлган шарқона мактабимиз бор. Ана шу улкан дарсхона анъаналарини жаҳон андозалари билан бойитиб, уни такомиллаштириб, ёш авлод онгига сингдириб борсангиз, улардан руҳий ва жисмоний соғлом авлод етиштирсангиз ҳақиқий ватанпарварлик бурчингизни адо этган бўласиз.*

*Маънавияти юксак, Ватанига содиқ авлодни тарбиялашдек машаққатли, шу билан бирга фахрли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман ва барчангизга Оллоҳдан сиҳат-саломатлик, оилангизга тотувлик сўрайман. Шижоат, фидойилик, изланувчанлик сизларнинг ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

## МУАЛЛИМЛАРГА

*Нечоғ бахтиёрман, таъзимда шу тоб*
*Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт.*
*Не одам бўлардим, қўлимда китоб*
*Бирор ҳарф танимай, турсайдим лоқайд.*
*Сиз-ку «Алифбо»дан «Қомус»гача то*
*Бари-барисини танитган устоз.*
*Илк бор Сиз кўрсатган дурахшон Зуҳро*
*Букун шеърим ичра ташбеҳдир мумтоз.*
*Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду,*
*Оқибат қуёшдек соча олур нур.*
*Буюклар ҳаққига қасамёд гап бу:*
*Сиздан бошланади асли Тафаккур.*
*Оламда кўп эрур муборак онлар,*
*Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур.*
*Сизгадир илк раҳмат азиз инсонлар,*
*Мунис муаллимлар, Сизга ташаккур!*

**Дил изҳори**



**Ўлмас САИДЖОНОВ, Ўзбекистон халқ ҳофизи:**

— Ўқитувчи — мен бу сўзлар жарангидан фидойилик деган акс-садони туйгандек бўламан. Она болага меҳр билан оқ сут бериб ўстиради. Ўқитувчи бисотидаги маънавий бойлигини бериб болани камол топтиради. Менинг наздимда онанинг оқ сути билан муаллимнинг чеккан заҳматлари адолат тарозисида бир хил тош босгандек туюлади.

Дарвоқе, бугун ана шу фидойи инсонларнинг касб байрамлари экан, мен шу фурсатдан фойдаланиб, барча устозларимизни, қолаверса, ўқитувчи деган шарафли номни елкалаб юрган барча кишиларни дил-дилдан муборакбод этаман. Қўлимдаги сайраб турган торнинг симларидан эшилиб-тўлғониб оқиб тушаётган завқ-шавқлар барчабарчаси Сизга бўлсин, муҳтарам устозлар!

## Мукофот муборак!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштиришга, ёшларимиз онгига миллий ғурур ва истиқлол мафкураси ғоясини сингдиришга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**АБДУЛЛАЕВА** Саодатжон — Ҳазорасп туманидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**АБДУМАННОНОВ** Отақул — Хатирчи туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**АКРАМОВА** Мастурахон Хожихоновна — Марғилон шаҳридаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**АМОНОВ** Камол — Ургут туманидаги 34-ўрта мактаб директори, Самарқанд вилояти

**АРИПОВА** Гавҳар Ҳамидовна — Қўқон шаҳридаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**ВАФАЕВ** Шукурулла Кочкарович — Элликқалъа туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ЖЎРАЕВ** Барот — Гулистон туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ИКРАМОВА** Нигора Тураповна — Мирзо Улуғбек туманидаги 120-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ЙЎЛДОШЕВ** Тошпўлат — Пискент туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**КРАСИЛЬНИКОВА** Любовь Михайловна — Андижон шаҳридаги 43-ўрта мактаб ўқитувчиси

**МАМАСОЛИЕВ** Йигитали — Денов шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**МИРХОНОВ** Ринат Бўриевич — Бухоро шаҳридаги 16-ўрта мактаб директори

**НАЗАРОВА** Гули — Шўрчи туманидаги 44-мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ОЧИЛОВА** Анора — Каттақўрғон туманидаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**РАСУЛОВ** Мустафо — Ғузор туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**СУЛАЙМОНОВ** Оринбой — Чимбой туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ТОЖИБОЕВ** Каримжон — Поп туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ТЎРАМУРОДОВ** Абдуғаффор — Зомин туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ХАРИТОНОВА** Нина Трофимовна — Жиззах шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси

**ХЎЖАЕВА** Мастура Шариповна — Ромитан туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ШАРОПОВА** Муҳаббат Араповна — Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**ШЕРАЛИЕВ** Абдураззоқ — Норин туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ЮСУПОВ** Азизжон — А. Икромов туманидаги 197-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ЎРИНБОЕВ** Мамашариф — Шаҳрихон туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**ҚАЮМОВА** Шоҳида Рашидовна — Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ҚОДИРОВА** Шарифа Қодировна — Гулистон шаҳридаги 9-ўрта мактаб директори, Сирдарё вилояти

**ҚУРБОНБОЕВА** Амина — Гурлан туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**ҲАМРОЕВ** Шуҳрат — Нурота туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Ёшларга таълим бериш, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни камол топтириш, уларни ватанпарварлик, она-Ватанга муҳаббат, содиқлик ҳамда порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш учун энг яхши моддий ва ахлоқий муҳитни таъминлашда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### 1-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**АБДУҒАНИЕВА** Ханипахон — Учқўрғон туманидаги 24-ўрта мактаб директори ўринбосари, Наманган вилояти

**АЗИМБОЕВА** Муҳаббат Абдураҳмоновна — Самарқанд вилояти сил касалликлари шифохонасининг «Йўлдош» мактаби ўқитувчиси

**БАҲОДИРОВА** Валентина Григорьевна — Қамаши туманидаги «Меҳрибонлик уйи» директори, Қашқадарё вилояти

**БОЗОРБОЕВА** Раъно — Мирзачўл туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ВОЙИДОВ** Исмоил — Навоий шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчиси

**ЖАЛОЛОВА** Ҳавохон — Денов туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ЖУМАЕВА** Гулсора Жўраевна — Қумқўрғон туманидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ЖЎРАҚУЛОВ** Ҳайитбой — Дўстлик туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ҚУТЛИМУРАТОВ** Аймурат — Тахиатош шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**МАМУТОВА** Венера Ҳамидовна — Уйчи туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***1996 йил 1 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси бўлди.***

Кенгашда қўшни Афғонистон ислом давлатида «Толибон» ислом харакати мамлакат пойтахти Кобулда хокимиятни эгаллаб олгани натижасида вужудга келган ташвишли ҳарбий-сиёсий вазият кўриб чиқилди.

Кенгаш мажлисида Афғонистондаги уруш 17 йилдан зиёдроқ давом этаётгани ва бу уруш 1989 йилда собиқ СССР қўшинлари бутунлай олиб чиқиб кетилгандан кейин ҳам тўхтамагани ниҳоятда катта ташвиш уйғотаётгани қайд этилди. У ерда турли сиёсий-этник гуруҳлар ва ҳаракатлар ўртасида ҳокимият учун уруш кетмоқда ва бу уруш туфайли жафокаш афғон халқи жабр тортмоқда.

Ўзбекистон бу мамлакатда терроризм, гиёҳвандлик, инсон ҳуқуқларининг бузилиши авж олганидан жиддий ташвишланмоқда.

Мажлис иштирокчилари ўз нутқларида Ўзбекистон рахбарияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар минбаридан бир неча марта Афғонистонга қурол-яроғ ва ўқ-дориларни етказиб беришни тақиқлаб қўйиш ташаббуси билан чиққанига эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистоннинг бу ташаббусларини БМТ аъзолари бўлган кўп давлатлар , Раббоний тарафдорларидан ташқари, халқаро жамоатчилик кенг қўллаб-қувватлади.

Кенгаш мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси БМТ қоидаларига, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизлик ишига, қўшни мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликка қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказишга содиқлиги ва Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш тарафдори экани ҳам таъкидланди.

Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ХУСУСИДА

Бугунги кунда Афғонистондаги воқеалар бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг махсус мажлислари шу воқеаларга бағишланди. Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида оммавий ахборот воситалари Афғонистон ва унинг тевирагидаги вазиятга асосий эътибор бераётгани табиий ҳолдир.Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида Афғонистондаги мавжуд ташвишли вазият муҳокама қилинди.

Мажлисда Афғонистондаги сўнгги воқеалар, энг аввало «Толибон» ислом ҳаракати Кобулни эгаллагани, бу ҳаракат иштирокчиларининг таъсири мамлакатнинг жуда кўп жойига тарқалгани ҳамда босиб олинган ҳудудларда диний мутаассиблик тақозо этаётган бошқарув тажрибаси ҳамда турмуш тарзини зўрлик билан жорий этиш Афғонистонда ҳарбий-сиёсий вазиятнинг жиддий равишда чигаллашишига, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда жўғрофий-сиёсий ва ҳарбий стратегик вазиятнинг мураккаблашишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланди.

Толибларнинг ҳатти-ҳаракатлари сиёсий курашнинг маърифий усуллари доирасидан ташқаридадир. Улар ўз сиёсий рақибларидан ғайриқонуний йўл билан жуда тезкор ўч олишни авж олдиргани ўта шафқатсизлик ҳисобланади.

Толиблар Кобулдаги БМТ ваколатхонаси ҳудудига бостириб кириб, Нажибулло, унинг оила аъзолари ва тарафдорларини ваҳшийларча ўлдирдилар, уларнинг жасадини дафн этмай, шаҳар марказида ҳамманинг кўриши учун қолдириб, таҳқирладилар. Бу ваҳшийлик ўрта асрдаги даҳшатли даврда эмас, бугунги кунда — XXI аср бўсағасида содир бўлганини тасаввур этиш қийин.

Толибларнинг инсон ҳуқуқларини кескин чеклашга қаратилган ҳаракатларини изоҳлаб бўлмайди. Улар хотин-қизларнинг рўмол ўрамай ва тан маҳрам ҳамроҳ бўлмаган ҳолда кўчага чиқишини, мактабда ўқишини, ижтимоий фойдали иш билан шуғулланишини тақиқлаб қўйишган. Улар ўрнатган тартиб бўйича аҳолининг Европача кийинишига, эркакларнинг эса соқол олдиришига йўл қўйилмайди. Ҳозирги кунда Кобул кўчаларида толиблар ўрнатган тартибни бузишга ботинган аёллар ва эркакларни қалтаклаш ҳоллари қайд этилмоқда.

Раббоний ҳукумати қўшинлари, шунингдек, урушнинг узоқ давом этаётганидан ночор ахволга тушиб қолган маҳаллий аҳоли толибларга тегишлича қаршилик кўрсатолмаётгани алоҳида ташвиш уйғотади.

Ҳозирги урушнинг афғон халқи манфаатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу уруш турли уруғаймоқларнинг, жиноий тўдаларнинг ўз таъсир доирасини кучайтириш ва ҳокимиятни қўлга олиш учун очиқдан-очиқ курашига айланиб кетди.

Бу жафокаш мамлакат аҳолисининг кўп қисми тинч меҳнатдан маҳрум бўлиб, турмуш учун зарур воситалар асосан қурол кучи билан қўлга киритилишига қўникиб қолгани — Афғонистонда оғир вазият вужудга келаётганининг сабабларидан биридир. Мамлакатда таъсирчан ва кучли марказий ҳокимият йўқ. Жуда кўп қуролли тузилмалар парчаланиб, ўзларининг қабиҳ мақсадлари йўлида ўз ҳолича ҳаракат қилмоқда.

Ғарбдаги оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар Тожикистондаги бугунги кундаги хавфли ҳарбий-сиёсий вазиятни янада чигаллаштириши мумкин.

Ўзбекистон қўшни давлатларда юз бераётган вазиятга бефарқ қараб тура олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги таклифни бир неча бор ўртага қўйди. Ўзбекистоннинг бу ташаббусини халқаро ҳамжамият, шу жумладан АҚШ, Россия, Европадаги кўп давлатлар кенг қўллаб-қувватлади. Айни пайтда бу таклифнинг аҳамиятини Президент Раббоний ва унинг тарафдорлари англаб етмадилар.

Ўзбекистон рахбарияти бошқа манфаатдор давлатлар билан биргаликда тегишли маслаҳатлашув ва учрашувлар ўтказмоқда, мазкур можарони тинч йўл билан бартараф этишга кўмаклашиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

(ЎзА).

## МУАЛЛИМ ҲАҚИДА СЎЗИМ УШБУДИР

**Муродин ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-сон клиника шифохонаси бош врачи:**

— Мен ўқитувчини ҳамкасбим дегим келади. Фарқимиз шундаки мен зоҳирий сўқирларни даволайман, муаллим ботиний сўқирликни «даволайди». Ҳар иккламизнинг ютуғимиз ҳам бир-бирига синоним.

Дарҳақиқат, ўқитувчилар ҳақида қанча гапиришса, шунча оз. Муаллим бу эзгулик, ҳалоллик тимсоли. Мен республикамизнинг турли гўшаларида бугун ҳалол меҳнат қилаётган жонкуяр ўқитувчиларимизни касб байрамлари муносабати билан қутлайман, уларга эзгу тилакларимни армуғон этаман.

Дилингиздаги зиё сира-сира ўчмасин, азиз зиёкорлар!

**Рауф ПАРФИ, Халқаро Маҳмуд Қошғарий мукофотининг соҳиби:**

Пир, устоз, ўқитувчи сўзлари ҳар бир инсон учун муқаддас калималардир. Эсимда қолган ҳаётимни уларсиз тасаввур қилолмайман. Устоз деганимда кўзларимнинг бағрида Абдураҳмон Водилий (Оллоҳ ундан рози бўлсин), Асқад Мухтор, Шукрулло каби улуғ адиблар намоён бўладилар. Мен улардан Ватанни танишни, Турон, Туркистон каби муборак сўзларни идрок этишни ўргандим.

Мана, йиллар ҳам шафқатсиз ўтиб бормоқда. Вақт бу беомон. Билганларим, кўрганларим, эшитганларим юракларимни парча-парча қилиб ташлаган чоғларда ҳам устозларимни, муаллимларимни унутмадим. Уларнинг иссиқ меҳрларини, доно сиймоларини кўзимда, руҳимда аниқ сезиб тураман.



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

# РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

**МЕЛИҚУЛОВА** Махпират — Ўзбекистон туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**НАРЗИЕВА** Бахшанда Насуллаевна — Бухоро туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси

**НОЗИМОВ** Нусратилло Шарофуддинович — Ғиждувон шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ОБИДЖОНОВА** Нафиса Обидовна — Андижон туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**ОЧИЛОВ** Ҳамроқул — Китоб туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**РУЗМЕТОВА** Дилбар Қурбоновна — Шайхонтохур туманидаги 92-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**СУЛТАНОВА** Муҳаббат — Оққўрғон туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ТАГАЕВА** Севараой Ҳасановна — Конимех туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**ТАНИБЕРДИЕВА** Ўғилжон — Бекобод туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ТУРДАЛИЕВ** Сирожиддин — Қува туманидаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**УСМОНОВ** Мўминжон Нўъмонович — Оқолтин туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ХАЖИЕВА** Жамила Менглиевна — Тўрткўл шаҳридаги «Бойчечак» болалар боғчаси тарбиячиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ХУДАЙБЕРГАНОВА** Эркиной — Янгибозор туманидаги 9-лицей интернат директори ўринбосари, Хоразм вилояти

**ЧУДНАЯ** Наталья Ивановна — Жума шаҳридаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ШЕПЕТОВА** Любовь Дмитриевна — Сирғали туманидаги 2-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ЯКУБОВА** Айдин Шукуровна — Урганч шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**ҒАЙБУЛЛАЕВА** Каромат — Ховос туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ҒАНИЕВ** Одилжон — Шаҳрихон шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

## 2-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**АБДИГАПБАРОВ** Сапарбай — Нукус шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**АБДУЛЛАЕВ** Эргаш — Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**АБДУЛЛАЕВА** Санобар — Олтинсой туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**АДАМБЕКОВА** Гулнора — Ҳамза туманидаги 216-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**АЛТИНБАЕВ** Салмурза — Дружба шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**БЕКМЕТОВ** Қадамбой — Янгиариқ туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**ВАСЬКОВ** Виктор Николаевич — Бекобод шаҳридаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ДАДАБОЕВА** Маликахон Усмоновна — Янгиқўрғон туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ЖАББОРОВА** Барно — Оқдарё туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ЖАЛОЛОВА** Маҳбубахон — Ширин шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ЖЎРАЕВА** Муборак Саттаровна — Асака шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**КАРАНОВ** Абдишарип — Ангор туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**КАРИМОВА** Фарида Рузмоновна — Қарши туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**МИРЗААҲМЕДОВ** Муҳаммад — Тошлоқ туманидаги 19-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**МИРЗАЕВА** Салимахон — Ёзёвон туманидаги «Гулбаҳор» болалар боғчаси тарбиячиси, Фарғона вилояти

**МИРЗАҚУЛОВ** Баҳодир Хатамович — Пахтакор туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**НИЗОМОВА** Мавлуда Тожибоевна — Улуғнор туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**НОРМАМАТОВ** Хасан — Қизириқ туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ПАРПИЕВА** Қўйсиной Сайдалиевна — Гулистон туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ПЎЛАТОВА** Барака — Касби туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**РАҲМОНОВ** Маҳмуджон — Мингбулоқ туманидаги 11-ўрта мактаб тарбиявий ишлар ташкилотчиси, Наманган вилояти

**СУЛЕЙМАНОВА** Шайра — Мирзо Улуғбек туманидаги 112-ўрта мактаб директори, Тошкент шаҳри

**ТАҒАЕВ** Элмурот Қаландарович — Иштихон туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**УМАРОВА** Мавлуда Абдуназаровна — Чортоқ туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ХАЛИМОВА** Хусния Олимовна — Навоий шаҳридаги 64-болалар боғчаси тарбиячиси

**ҲАМРОЕВ** Умрзоқ Ганжиевич — Қоракўл туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ХАСАНОВА** Руяб — Яккабоғ туманидаги 83-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**ХОЖАБАЕВ** Жумабай — Хўжайли туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ХУДАЙБЕРГАНОВА** Зайнаб Аминовна — Хива туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**ШАРОФОВ** Тошпўлат — Қизилтепа туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**ШОДИЕВА** Рахна Қодировна — Бухоро шаҳридаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси

**ШОНИЯЗОВА** Бибижон Юсуповна — Фориш туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ЭРГАШЕВА** Дилбар Яхшиликовна — Бахмал туманидаги 4-вилоят лицей-интернати ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ЯРИЕВА** Бухажар Равшановна — Сирдарё туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ҚИРҒИЗБОЕВА** Ширмонхон — Қорасув шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**АБДУКАРИМОВ** Матяқуб — Урганч туманидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**АБДУЛЛАЕВ** Жалолдин — Пахтаобод туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**АВЕЗОВ** Амрилло Шукуллоевич — Шофиркон туманидаги 20-ўрта мактаб директори ўринбосари, Бухоро вилояти

**АРИПОВА** Ирина Михайловна — Фарғона шаҳридаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси

**БЕКМУРОТОВА** Рўзихол — Бандихон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**БИСТРОВА** Зоя Викторовна — Чирчиқ шаҳридаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**БОБОЕВ** Наби Азимович — Сирдарё шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси

**БУРНАШЕВА** Нина Яковлевна — Қарши туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**ДАНИЛОВА** Наталья Владимировна — Ғиждувон туманидаги 37-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ИРИСБОЕВ** Абдулла — Зарбдор туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**КАЛЖАНОВА** Сара Срайиловна — Томди туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**КАРИМОВА** Вера Васильевна — Хива шаҳридаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**КАРИМОВ** Тўлқинжон — Боғдод туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**КАРПЕНКО** Любовь Михайловна — Жарқўрғон туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**КОЛБАСИН** Анатолий Викторович — Янгиер шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**КОНАРЁВА** Ольга Оттовна — Жомбой шаҳридаги 40-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**КОСТИНА** Любовь Борисовна — Бектемир туманидаги 571-болалар боғчаси тарбиячиси, Тошкент шаҳри

**КУРБАНИЯЗОВА** Клавдия Фёдоровна — Хўжайли шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**КУРБАНОВА** Валентина Петровна — Наманган шаҳридаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси

**ЛАЗЕРОВА** Галина Николаевна — Навоий шаҳридаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси

**МАЙСТРЕНКО** Ольга Степановна — Самарқанд шаҳридаги 6-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**МАТХОЛИҚОВ** Исмоилжон Икрамович — Қўрғонтепа туманидаги 1-спорт мактаби катта мураббийси, Андижон вилояти

**МИРЗАБОЕВ** Исроил Мавсумбоевич — Яккасарой туманидаги 73-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**РАУПОВА** Хикмат Хонназаровна — Баҳористон туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**РАҲИМОВА** Мавлуда Раҳимовна — Сирғали туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**РОЗИМОВ** Жумабой — Беруний туманидаги 55-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**СУЛАЙМАНОВА** Любовь Анатольевна — Пахтакор шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ТУРОПОВ** Баҳодир — Бувайда туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**ТУРСУНОВА** Гулсара Акрамовна — Пешку туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ЧЕХ** Валентина Павловна — Зарафшон шаҳридаги 1-гимназия мактаби ўқитувчиси, Навоий вилояти

**ШУКУРОВА** Гулнора — Челак шаҳридаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ЮЛДАШЕВ** Бакир — Паркент туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ҚОСИМОВА** Санобар Қосимовна — Оҳангарон туманидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ҚУРБОНОВ** Хожамберген — Кегейли туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ҲОМИДОВА** Бибисора — Чуст туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Республикада ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш соҳасидаги улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**АБДУЛЛАЕВ** Махамматқодир Махаммат-яқубович — Олтинкўл туманидаги спорт мактаби мураббийси, Андижон вилояти

**АЛИҚУЛОВА** София — Ғузор туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**АҲМАДАЛИЕВА** Нематхон — Бўз туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**АҲМЕДОВА** Милихон — Наманган шаҳридаги 13-ўрта мактаб директори

**АШУРОВА** Одинахон — Қўрғонтепа туманидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**БАБАЖАНОВА** Лиана Ивановна — Шуманай туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**БАРАТОВ** Турдиқул — Китоб туманидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**БЕКМИРЗАЕВ** Исроилжон — Марғилон шаҳридаги 22-ақли заиф болалар мактаби директори, Фарғона вилояти

**БОБОДЎСТОВ** Қурбон — Чироқчи туманидаги 141-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**БОЙМИРЗАЕВА** Озодахон — Чортоқ шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**БОТИРОВА** Карима Ғофуржоновна — Янгийўл туманидаги 52-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**БОТИРОВА** Меҳриза Худойқуловна — Ғузалкент туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**БОТИРОВА** Ойиста Ғофуровна — Марҳамат туманидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**ДАУЛЕТБАЕВА** Амангуль — Бозотау туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ДЕҲҚОНОВА** Феруза Шерғозиевна — Термиз туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ЖАББОРОВА** Ойгул — Шаҳрисабз туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**ЖАВҲАРОВ** Ахмаджон Махаматович — Чилонзор туманидаги 200-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ЖОНИБЕКОВА** Ибодат Абдураҳимовна — Ғаллаорол туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ЗИЯЕВА** Адолат Нурматовна — Юқори Чирчиқ туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ИЗЗАТОВ** Шомурод — Вобкент туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ИЗЗАТУЛЛАЕВА** Ойдиннисо — Каттақўрғон туманидаги 57-мактаб интернат ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ИСМОИЛОВ** Мамаражаб Хўжаевич — Хатирчи туманидаги 20-ўрта мактаб директори, Навоий вилояти

**ИСОМОВ** Орифжон Махмудович — Чуст шаҳридаги мусиқа мактаби ўқитувчиси, Наманган вилояти

**КАМБУРОВА** Зарима Идрисовна — Мирзо Улуғбек туманидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**КЕНЖАЕВ** Позилжон — Фурқат туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**КИМ** Лариса Владимировна — Оҳангарон шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**КОВАЛЁВА** Екатерина Никифоровна — Каттақўрғон шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**КОМИЛОВ** Мирзахмат Мирахмедович — Юнусобод туманидаги 273-лицей мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**КОШКАРОВА** Алтин — Қонликўл туманидаги 23-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**КЛЮЧНИКОВА** Эльвира Шавкатовна — Кармана шаҳридаги 1-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси, Навоий вилояти

**КОСТЕЦКИЙ** Василий Ануфриевич — Ангрен шаҳридаги 33-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти

**МАДРАХИМОВА** Ўғилжон — Боғот туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**МАННОНОВА** Сабохон Муҳаммаджоновна — Бешариқ туманидаги 44-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**МАТЧАНОВА** Хуршида — Амударё туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**МАХАМБЕТОВА** Ширин — Мирзачўл туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**МАХМУДОВ** Ёқубжон — Сўх туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**МАҚСУДОВА** Холидахон Найимовна — Тўрақўрғон туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**МЕЛИБОЕВ** Эшбой — Булунғур туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**МУХТОРОВ** Ўктам Хамроқулович — Оқтош шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**НАБИЕВА** Сайёра — Навбаҳор туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**НОДИРОВ** Ражабали Тешаевич — Деҳқонобод туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**НОСИРОВА** Мукамбар — Ховос туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ОБДОЛЁЗОВ** Рустам — Қўшкўпир туманидаги 4-иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**ОДИЛБОЕВ** Олим Рамизович — Ҳамза туманидаги 77-лицей-мактаби ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ОДИЛОВ** Мираъзам Обидович — Пискент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**РАИМОВА** Мавлюда Абдуллаевна — С. Раҳимов туманидаги 249-мактаб-гимназия ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**САИДОВ** Амон Абдуллаевич — Тойлоқ туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**САЛИМОВА** Мастура Асқаровна — Миробод туманидаги 125-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**САПАРОВА** Клара — Қўнғирот туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**СИДДИҚОВ** Олимжон Боқижонович — Наманган туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**СОЛОВЬЁВА** Светлана Евгеньевна — Олмалиқ шаҳридаги 5-мактаб гимназия ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ТАНГРИБЕРГЕНОВА** Роза Жуманиязовна — Беруний шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**УМАРОВА** Хосият — Самарқанд шаҳридаги 47-ўрта мактаб ўқитувчиси

**УСМОНОВА** Хатича Турсинбоевна — Хонобод шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**ФАЗИЛОВА** Назира Ядгаровна — Қарши шаҳридаги 1-санъат мактаби ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**ФАТТОЕВ** Муҳаммаджон — Ғиждувон шаҳар мусиқа мактаби директори, Бухоро вилояти

**ФРОЛКИН** Виктор Фролович — Яккасарой туманидаги 100-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ХАБИПНАЗАРОВА** Гулайша — Қораўзак туманидаги 1-ўрта мактаб ХХБТД ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ХАМРОЕВА** Гулсанам Файзуллаевна — У. Юсупов туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**ХАСАНОВА** Дилоромхон — Учқўрғон шаҳридаги 6-болалар боғчаси тарбиячиси, Наманган вилояти

**ХАСАНОВ** Ўринбой — Қувасой шаҳридаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**ХОЖАМУРАТОВА** Каллигул Бисеновна — Чимбой шаҳридаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ХОЛМАТОВА** Умриниса Норматовна — Меҳнатобод туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ХУДОЙБЕРДИЕВ** Малик — Зомин туманидаги 34-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**ХЎЖААҲМЕДОВА** Сожида — Шеробод туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ХЎЖАМҚУЛОВА** Жумагул Гаппаровна — Чиноз туманидаги 4-мактаб-интернат ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ЧОРИЕВ** Зоир Аннаматович — Жарқўрғон туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ЧОРИЕВ** Тошмамат Турдиқулович — Ангор туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Сурхондарё вилояти

**ШАМСУДДИНОВА** Зеваржон — Шовот туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**ЭГАМБЕРДИЕВА** Гулшод Болтабоевна — А. Икромов туманидаги 203-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ЭРГАШОВ** Йўлдош Содиқович — Олот туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ЭСАНОВА** Гулсара Исмоиловна — Қўшработ туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ЯХШИЕВА** Гулнора Тошпўлатовна — Бухоро шаҳридаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси

**ЎРИНБОЕВА** Маҳбуба — Бўка туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ҚОРАБОЕВА** Ирода Шукуралиевна — Қува шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**ҚЎЛДОШЕВ** Эргашали — Данғара туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**ҲАЙДАРОВА** Дилором — Ш. Рашидов туманидаги 21-иқтидорли болалар мактаби ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ҲАМРОҚУЛОВ** Акрамжон — Пахтаобод туманидаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**ҒОЗИЕВА** Гулсара Мирсоатовна — Самарқанд шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси

**Кўп йиллик самарали меҳнати, республикада халқ таълимини ривожлантиришдаги, болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия беришдаги хизматлари, уларга касб маҳоратини ўргатиш, меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабатни, юксак ватанпарварлик ва ахлоқий фазилатларни шакллантириш ишига қўшган муносиб ҳиссалари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

**АБДУРАҲМОНОВА** Саломат — Чироқчи туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**АКБАРОВА** Миножат — Хўжаобод туманидаги 18-ўрта мактаб директори, Андижон вилояти

**АЛТИНОВА** Махсуда — Навоий шаҳридаги 4-гимназия-мактаби ўқитувчиси

**ИНОҒОМОВ** Хайрулла Мансурович — Қибрай туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**МАМАРАСУЛОВ** Саид — Жиззах шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси

**МАТЯКУБОВ** Хабибулло — Янгибозор туманидаги 1-иқтидорли болалар лицей-интернати директори, Хоразм вилояти

**НЕЪМАТОВ** Юсуф Кўчқорович — С. Раҳимов туманидаги 243-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**НУРУМОВА** Айтжон Якубовна — Тўрткўл туманидаги 12-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**РАҲМОНҚУЛОВА** Ҳикоят — Пахтачи туманидаги 25-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**УМИРОВА** Бувсара Қўзибоевна — Боёвут туманидаги 15-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ФАЙЗИЕВА** Мунаввара Муродовна — Вобкент туманидаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ХАФИЗОВА** Флюра — Чуст шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ШАМСИЕВ** Фазли — Музработ туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ЎРИНБОЕВА** Азиза — Олтиариқ туманидаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

**АБДУШАИТОВА** Саломатхон — Балиқчи туманидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**АВЕЗМЕТОВА** Назиражон — Хонқа туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**АЗИМОВ** Аъзамжон — Избоскан туманидаги 6-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси, Андижон вилояти

**АСЛАНОВ** Сирож — Денов шаҳридаги 3-лицей-интернат директори, Сурхондарё вилояти

**АСЛОНОВА** Норбиби — Когон шаҳридаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**АЧИЛДИЕВА** Гулинора — Узун туманидаги 20-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**АҲМЕДОВА** Шаҳрибону — Арнасой туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**БОБОҚУЛОВ** Чори — Яккабоғ туманидаги 75-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**БОТИРАЛИЕВА** Феруза Маликовна — Янгийўл шаҳридаги 16-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**БЎРОНОВ** Фазлиддин — Навбаҳор туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**ДАВИРОВ** Беккул — Пастдарғом туманидаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ДОСМУРАТОВА** Жумагул — Нукус шаҳридаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**ЖАББОРОВ** Қодиржон — Чортоқ шаҳридаги «Чортоқ» болалар сиҳатгоҳи ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ЖУМАЕВА** Зайнаб Ортиқовна — Нарпай туманидаги 33-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ИГАМБЕРДИЕВА** Зумрад Бакировна — Чиноз туманидаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ИСАКОВ** Жахпар Абдумўминович — Риштон туманидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**ИСМОИЛОВА** Мамлакатхон — Асака туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**ИСРОИЛОВА** Мавжуда Кушаковна — Чилонзор туманидаги 131-ўрта мактаб директорининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

**ИШЧАНОВА** Гулпашша — Урганч шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**КАНИЯЗОВА** Роза — Тахтакўпир туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**МАТВЕЕВ** Владимир Георгиевич — Ҳамза туманидаги 166-лицей мактаби ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**МИРЗАЕВА** Махсудахон — Жалолқудуқ туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти

**МУХТАРОВА** Тамара Аминовна — Шўрчи туманидаги 3-болалар санъат мактаби ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**МУСТАФАЕВ** Сирожитдин Садридинович — Шаҳрисабз шаҳридаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**МЎМИНОВА** Шоира Хўжамуродовна — Жондор туманидаги 26-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**НАВРЎЗОВ** Тангир Бобоярович — Жиззах вилояти кар болалар махсус мактаб-интернати директори

**НОРМАТОВА** Муқаддам Муроткосимовна — Зафаробод туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**РАҲИМОВА** Шоҳида Вахобовна — Шайхонтоҳур туманидаги 136-мактаб ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**РОЖНОВА** Людмила Карловна — Қувасой шаҳридаги 11-болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**САИДМУРАДОВА** Сафаргул — Бахт шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**САИДОВА** Муҳаббатхон Муйдиновна — Ёзёвон туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**САТТОРОВА** Гулчеҳра Ҳайитовна — Навоий туманидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**ТАНГРИҚУЛОВА** Гулсин — Муборак туманидаги 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**ТОШБОЕВА** Рисгул Дусановна — Янгиобод шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ТОШМАТОВ** Убайдулло Эргашевич — Косонсой шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ФАЗЛИЕВ** Ғайбиддин — Ургут шаҳридаги «Иқбол» лицейи ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ФАТТОЕВ** Жаббор — Сариосиё туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**ХОЖАНАЗАРОВ** Жолдасбай — Нукус туманидаги 249-мактаб-гимназия ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**ХЎЖАҚУЛОВА** Халимахон — Фарғона тумани халқ таълими бўлими мудири, Фарғона вилояти

**ЮНУСОВА** Хамида Солижоновна — Поп туманидаги 50-гимназия лицейи ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ҚОБУЛОВА** Шарифахон — Андижон шаҳридаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси

**ХОЛИЕВ** Қаршибой — Мирзаобод туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

**АБДУЛЛАЕВА** Сарина Нигматовна — Хўжаобод туманидаги 1-болалар боғчаси тарбиячиси, Андижон вилояти

**АҲМАТОВ** Ғулом — Косон туманидаги 18-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**БАБАЖАНОВА** Дарманжан — Қўнғирот шаҳридаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**БОТИРОВ** Меҳрилло Мамасолиевич — Пайариқ туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**ВЕДМЕДЬ** Александра Федосовна — Қоравулбозор туманидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**ДУРАНОВА** Гулхан — Қуйи Чирчиқ туманидаги 49-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**ЗАВҚИЕВА** Марҳамат Ўрозалиевна — Сайхунобод туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**ЗОКИРОВА** Муҳаббат Йўлдошевна — Косонсой туманидаги 28-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

**ИСМОИЛОВА** Мунаввара — Қарши шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси

**ЛЕПЕСОВ** Женис — Нукус шаҳридаги 1-болалар санъат мактаби ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**КАРИМОВ** Нортожи — Бўстонлиқ туманидаги 19-ўрта мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**КОПЕЕЧКИНА** Танзила Михайловна — Учқудуқ шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси, Навоий вилояти

**МАССОНЦ** Мая Гарьевна — Яккасарой туманидаги 5-болалар мусиқа мактаби бўлим мудири, Тошкент шаҳри

**МИЛОШЕНКО** Надежда Измаиловна — Гулистон шаҳридаги санъат мактаби ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**МИРЮСУПОВА** Фарида — Чилонзор туманидаги 179-ўрта

## ТОШКЕНТГА САЁҲАТ

Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонини халқ таълими ходимлари ҳам катта қувонч билан кутиб олдилар. Бугун халқимизнинг маънавий савиясини кўтариш, ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтириш ва ҳар томонлама тўғри тарбиялаш мамлакатимизнинг порлоқ келажагини яратиш деган сўз. Фармонда таъкидланганидек, жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилаётган иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус саёҳатлар ташкил этиш дилимиздаги айни гап бўлди. Фармондаги бу хил кўрсатмалар Наманган вилоятида изчил амалга оширилаяпти. Куни кеча махсус автобусларда вилоят, туман, шаҳар мактабларида таълим-тарбия олаётган иқтидорли ёшлардан 150 нафари пойтахтимиз Тошкент шаҳрига келдилар. Қадим ва навқирон Тошкент саёҳатига йўл олган ўғил-қизлар азим шаҳардаги янги иншоотларни, зиёратгоҳларни, хиёбонларни томоша қилдилар ҳамда республика нафис санъат мактабида ҳам бўлишди.

**Т. АБДУЛЛАЕВА.**

*Яккасарой туманидаги 100-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Исмоиловага 1-«а» синф ўқувчилари ўз тафрик сўзларини лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида битишди.*

**В. КРИЛЛОВ олган сурат.**

## ЮКСАЛАМАН, СИЗНИ ЎЙЛАСАМ...

*Дил изҳори*

Ўғлим оппоқ қоғоздан учқич ясади. Қанотларига «ЎЗБЕКИСТОН» деган сўзни ёзди. Сўнг уни ўзича ўзга элларга «учириб» юборди. Кўз қорачуқларида мен илгари кўрмаган бир шодлик порлади. Шодлиги кўнглимга кўчди. Кўнглим юксалди. Эртасига у дафтарига «Мустақиллик» деган сўзни битди. «Хатоси йўқми?» деган ҳадик билан менга қаради. «Тўғри ёздинг, болам, — дедим унга. — Энди бу сўзнинг мазмунини айтиб бергин?» Шунда у ўрнидан ирғиб турди, қўлларини икки ёнга ёзиб, ўзини синфдагидек тутди ва бурро-бурро сўзлай бошлади. Кўнглим яна бир карра юксалди. Унга бу қутлуғ сўзларни бехато ёзмоқни ўргатган, мазмуну моҳиятини тўғри англатган Сиз — унинг устози билан учрашгим келди.

Дилором Каримова... Гуллар шаҳри — Наманганда туғилганингиз, мактабдаги илк устозингиз Иномжон Нурматовнинг «Сен барибир ўқитувчи бўлишинг керак!» деган сўзларни эсладингиз. Ўшандаёқ фаришталар «Омин!» деган экан-да. Мана, қарийб йигирма йиллан буён устозлик касбини шарафлаб келмоқдасиз. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 71-мактабда ишловчи ҳамкасбларингиз Сиз ҳақингизда эҳтиром билан сўзлашади. Ўзингиз ҳам бу кун оилада жонкуяр бека, суюмли рафиқа, бир-бирингизга ишонч ва меҳрибон она, мактабдаги бошланғич синфлар болаларига ардоқли устозсиз. Устоз! Яна хотиралар...

Бир куни ўғлим рангли қоғозлардан бир чиройли атиргул қирқди. Сўнг уни авайлаб китоби орасига солиб қўйди. Қизиқдим. «Устозимга совға қиламан!» — деди кўзлари ёниб. Ўғлимнинг мендан ҳам кўра Сизни яхши кўришини ўйлаб қувондим. Ахир, у мендан кўра кўпроқ Сиз билан бирга бўлади. Демак, унинг келажаги кўпроқ Сизга боғлиқ. Шуни англаб, қувондим...

Наврўз байрами эди. Сизнинг иштирокингизда болаларнинг ўзлари «ташкил этган» даврага биз — ота-оналар йиғилишдик. Негадир кичик «бошловчи»лардан бири кечикарди. Бироз кутишга тўғри келди. Болалар эса томошани тезроқ бошлашни истаб чуғурлашарди. Қий-чув авжга чиқди. Ўғлим ҳам улар билан баравар шўхлик қиларди. Жаҳлим чиқиб, ўйладим: «Уйда бўлганида битта шапалоқ билан жойига ўтқазиб қўярдим-а... Бу ер мактаб-да!» Шунда Сиз улар билан худди қадрдонингиздек, бирма-бир гаплаша бошладингиз. Вазиятни тушунтирдингиз. Болалар жим бўлиб қолишди. Ўғлим ҳам. Бояги ўйларимдан хижолат тортдим. Сиз менинг ўғлимни мендан кўра яхши кўришингизни англадим. Кўнглим яна бир карра юксалди.

Ҳа, бир муноввар туйғудан кўнгил уйи ёришади. Қанийди, ҳамма устозлар ҳам болаларни Сиз каби яхши кўриб, ардоқласалар, дея орзуланаман яна. Шунда Сиз каби фидойилар бу юртда жуда-жуда кўплигини, шунинг учун ҳам юзлаб-минглаб оналарнинг худди мен каби кўнгли юксалиб яшаётганини англаб етаман. Кўнглимнинг юксак осмонларида бир ҳайқириқ кезади: «Омон бўлинг, азиз устозлар! Токи, сиз туфайли ОЗОД ЮРТнинг эртанги эгалари — келажаги омон бўлсин!...»

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**«Йилнинг энг яхши журналисти» мукофоти совриндори.**

*Қутлов!*

## ШИРИН ТИЛАГИМ, СИЗГА!

***Фарзандларимизни булбулдек сайратиб, кўнгилларини яйратган бу аёл Тошкентдаги 51-мактаб ўқитувчиси Дилоромхон Ваҳобова бўлади. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли болалар француз тилида бийрон-бийрон сўзлаша бошлайдилар.***

***Дилором Ваҳобова Жаҳон тиллари университетини тугатгандан бери шу мактаб қучоғида. Ширинсўз, болажон, фидойи. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчига хос ҳислатларнинг бари мужассам унда. Бу фазилатлар унга обрў келтирди.***

***Дилором Ваҳобова Францияда бир неча марта саёҳатда бўлган. Ҳар икки халқ орасидаги дўстлик ришталарини боғлашга, француз мактаблари тажрибасини ўзбек мактаби ўқувчилари таълимига жорий этган забардаст педагоглардан биридир. У 51-мактаб фахри, оилада 3 фарзанднинг онаси, қўша-қўша невараларнинг бувижони!***

***Бир оғиз ширин тилагим қутлуғ кунда шу муаллимага бахшида бўлсин! Соғлик, омонлик, шогирдлар камолини кўриш бахти ҳар доим сизга насиб этаверсин!***

**Нодира Раҳмонбекова,**
**ўқитувчи.**

*Хотира*

Кечагидек эсимда, 1970 йилнинг 1 сентябрь тонги. Саккиз йиллик мактабни тугатиб, ўқишни давом эттириш учун қўшни Охунбобоев номли мактабнинг 9-«Д» синфида 29 нафар ўқувчи биринчи қўнғироқ чалинган куни бегонасирабгина сафда тизилиб турардик. Доимо аёл ўқитувчилар синф раҳбарлигида тарбияланганимиз боисиданми эркак ўқитувчини бизга таништирганларида, бир қизиқ ҳолга тушдик. Биринчи дарс, адабиёт фанидан эди. Сабрсизлик билан ўқитувчини кута бошладик. Бегона мактаб, бошқа синфхона, тўғриси, бизга болохонадаги таъмирталаб синфхоналардан бирини ажратишганди. Кўзига ёш олганлар ҳам бўлди. «Барибир булар учун ўгаймиз-да» деб қўйишарди қизлар — дугоналарим Олима, Шарофат, Латофатлар.

Хонатлас кўйлак кийган, сочлари бежиримгина турмакланган, барвастагина аёл салобат билан синфга кирди. Саломлашдик. Юзларидан нур ёғилиб турган бу аёл чиройли табассум билан бизга бир-бир кўз югуртираркан, жарангдор товушда ўзини «Ёрқиной Нуруллаева» деб таништирди. «Ёрқиной... исми ноёб экан» дея кўнглимдан ўтди. Муаллимамиз самимий оҳангда сўз бошлади:

— Ёрқиной деб менга ота-онам исм қўйганлар. Улар адабиёт ва санъатни жуда-жуда севишган. Ўша йили вилоят

## ҚАЛБИМДАСИЗ...

театрида Чўлпоннинг «Ёрқиной» драмаси қўйилаётган экан. Эр-хотин шу спектаклни кўриб, агар фарзандимиз қиз туғилса, исмини албатта, Ёрқиной қўямиз, дея орзу қилишган экан...

Ҳа, муҳтарам муаллимажон, ўша илк адабиёт дарсидаёқ юрагимизга йўл топгандингиз. Онамиз ўрнида қабул қилганмиз сизни! Энди ўйлаб қарасам, самимийлигингиз, бағрикенглигингиз, болаларга хос соддалигингиз, камтарлигингиз туфайли қалбимиздан жой олган экансиз! Айниқса, сизнинг Навоий, Лутфий, Бобур, Завқий, Фурқат, Зебуннисо сингари ижод аҳлининг ғазалларини мароқ билан ўқишларингиз бизни мафтун этган эди. Сиз ғазал ўқиганда олислардан бир нидо эшитиларди... Уйга келиб, соатлаб тошойна олдида ўтириб олганча, сизга ўхшатиб алоҳида бир оҳанг билан ғазал ўқишни машқ қилардим. Дадам раҳматлик «Ҳа, қизим, эртага ойнаи-жаҳонга чиқасанми, дикторларга ўхшаб шеър айтаяпсан» дердилар. «Йўқ, дадажон, мен адабиёт ўқитувчиси бўламан. Ёрқиной муаллимамга бирам ҳавасим келдики... Ўша кишига ўхшашни истайман» дедим бир олам завқ-шавқ билан.

Адабиёт ўқитувчиси эмас, журналист бўлганимни эшитиб, вилоят редакциясига келиб, мени — оддий бир ўқувчингизни кўнглини тоғдек қилиб табриклаб кетгандингиз. Сиз ўша дамда мен билан астойдил фахрланиб сўзлаганингизни ҳис қиламан. Кўзларингизда ёш билан, қўлларингизда гулдаста билан янги жамоам олдида мени қучиб табриклаганингиз! «Бу қизга ишонса бўлади!» дедингиз ички бир эътиқод билан.

Йиллар ўтди, муаллимажон, кимлар ҳақида ёзмадим, эҳҳе. ...Афсус, минг афсус, ҳаётлигингизда сиз ҳақингизда ёзмабман-а! Сиздан бир умрга қарздорман. Энг аввало илм берганингиз, шеърият оламига етаклаб кирганингиз учун! Фан номзодлиги бўйича илмий иш ҳимоям яқин, аммо сиз азиз инсонни қайдан топай энди?

Ҳамон кўз ўнгимда: болахонадаги қийшайган синфхона. Шу мўъжаз, кўримсизгина хонага ёрқин нур олиб кириб, ёш кўнгилдаги ғубор, ҳадикларни тарқатган, ўзга мактаб, янги синфхонага меҳр уйғотган Ёрқиной опа! Бугун мен Бухородан узоқлардаман, иш, рўзғор, ижоднинг ширин ташвишлари оғушидаман. Сизни унутмайман, руҳингиз шод бўлсин дея дуо қилиб юраман.

Сиз оламдан эрта кўз юмдингиз! Аммо меҳнатларингиз зое кетмади. Шогирдларингиз элига муносиб фарзандлар бўлиб яшашга интилмоқдалар. Номингиз шогирдлар қалбида абадийдир...

**Муҳиба ҲАМИДОВА,**
**Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.**

*Бизнинг суҳбат*

## ҲОКИМГА УЧ САВОЛ

**Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига сайланганлар юксак мартабали, обрўга сазовор кишилардир. Улар қайси сайлов округидан сайланишларидан қатъи назар, элим деб, юртим деб ёнадилар, елиб-югурадилар. Бундай эътиқодга уларни ким ундаган? Сўзсиз, муаллимлари.**

**Жомбой тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати К. А. Исроиловнинг мухбиримиз саволларига берган жавобларида унинг мактаб йиллари, устозлари ёдга олинган.**

**— Мактаб даврингизни эслайсизми?**

— Эслайман, негадир юрагим ўртаниб кетади. Мўъжиза рўй берса-ю, бир юмалаб, болаликка қайтиб қолсам. Афсуски, бу орзу холос. Ёшлик йилларида киши романтикага ўч бўларкан. Билмадим, балки ана шу романтиканинг таъсири бўлганмикан, устозларимизнинг ўгит-насиҳатлари кор қилганмикан, ишқилиб, кам бўлмадим. Доно, тўғри, одилона маслаҳатлар худди ҳаёт йўлимизни маёқ каби ёритиб тургандек туюлган менга.

**— Сизнинг устозларингиз кимлар, улар бирор масалада олдингизга ёрдам сўраб келишганми?**

— Ўқитувчиларим кўп эди, улар орасидан кимнидир алоҳида кўрсатсам, бошқалари хафа бўлиши мумкин. Уларнинг бари мен учун азиз ва қадрли. Ҳарф танитган устозим марҳум Ражаб Исмоилов, Раббим Тошматов, Самат Шамановларни эсласам, кўз ўнгимда нурли бир сиймолар жонланади.

Қарздорлик ҳисси одамни қийнаркан. Устозларим олдида ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан ва улар ҳузуримга қандайки масалада ёрдам, нажот истаб келишмасин, мумкин қадар ижобий ҳал қилиб беришга уринаман. Туман ҳокими — масъул лавозим. Унинг олдига юзлаб кишилар минглаб масалаларни кўндаланг қўйишади. Лекин мен мактаб ёки муаллимларни ижтимоий муҳофаза қилиш каби масалаларга биринчи даражали деб қарайман ва ёрдамимни ҳеч қачон дариғ тутмайман. Лекин бу билан устозларим олдидаги қарзимни уздим деб ҳисобламайман.

**— Халқ таълими ходимларига истакларингиз?**

— Ўзбекистоннинг мукаддас тупроғида ёш авлод бахт-иқболи учун қалб зиёсини таратаётган жамийки устозларга қайта-қайта омонлик тилайман! Омонлик, миннат, таъма тушунчалари сиздан йироқ бўлсин! Зотан, сизлар фақат эзгулик, ёруғлик, яхшилик ҳақида ўйлайдиган, меҳр-оқибатни ҳар нарсадан устун қўйгувчи улуғ ва мўътабар зотдирсизлар!

**Э. МАҲМУДОВ ёзиб олди.**

*Халқ таълими фидойилари*

## ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ

Мабодо, йўлингиз тушиб, Қаршидан Косон томон юрсангиз, йўл-йўлакай Оброн қишлоғини кесиб ўтасиз. Бу қишлоқ ўзининг сўлим табиати-ю серҳосил ерлари, аҳдига вафодор деҳқонлари-ю ақлан зукко зиёлилари, илму-одобли ёшлари-ю иймон-эътиқодли қариялари билан нафақат Косон туманида балки бутун Қашқа воҳасида машҳур.

Оброн Гулбодом опа Эштурдиева учун ҳам беқиёс табаррукдир. У шу муқаддас заминда таваллуд топган, ўсиб улғайган. Ҳозир ҳам у Обронда яшаяпти. Гулбодом опа кўпинча ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини эслаб, ширин хотираларни хаёлан тиклашни хуш кўради. Ортда қолган ҳаёт унинг учун ростданам, завқли ва эсда қоларлидир. Гулбодом ўқиди, ўрганди, ўзи севган муаллимлик касбини эгаллади...

Ўша илк бор муаллим сифатида ўқувчилар олдида тик турган кун қанчалар масъулиятли эди. Ўшанда Гулбодомнинг юраги кўксига сиғмай, «гуп-гуп» урганди... Инсон умри оқар дарё экан. Мана ўшангаям «ҳаш-паш» деганча 23 йил ўтиб қўйибди. Гулбодомнинг назарида у куни кеча бўлгандай-ку...

Тўғри, ҳамма ишлар бирданига ўз йўлига тушиб кетгани йўқ. Ёш муаллима дастлаб таълим-тарбия ишида анча қийналди. Ўқиш ва ўқитишга бағишланган уйқусиз тунларни, тинимсиз изланишларни, илғор усулларни жорий этиш йўлидаги уринишларни ҳам эслаш нақадар завқли.

Тан олиш керакки, ҳаёт қишлоқ қизи Гулбодомдан ўз саховатини дариғ тутмади. Ҳа, унга омад ҳамиша ёр бўлди, уни меҳнатда ҳамиша ютуқлар қувиб юрди. У дастлаб қадрдон илм маскани, Мамат Искандаров номидаги ўрта мактабда, она қишлоғи Обронда, сўнг Косон тумани муаллимлари ва халқи орасида обрў топди. Таълим-тарбия борасидаги ҳалол меҳнати кейинчалик Гулбодомни нафақат Қашқадарё вилоятида, қолаверса, бутун республикамизда танитди.

Ижодкор муаллима роппа-роса 16 йилдирки, Косон тумани бошланғич синф муаллимларининг шўъба раҳбари. У 1991 йилдан буён туман ва вилоятда «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови ҳакамлар ҳайъатининг аъзоси. Гулбодом Эштурдиева жиҳозлаган ўқув хонаси ва унинг ижодкор қўлларида тайёрланган кўргазмали қуроллар неча-неча маротабалаб мактаб, туман, вилоят кўрик-танловларида юқори ўринларни эгаллаб келаётир. Изланувчан муаллима ўз устида мунтазам ишлаб боради. Унинг бошланғич таълимга оид кўплаб услубий мақолалари республика газета ва журналларида эълон қилинди. Энг қувончли томони шу ердаки, Гулбодом опанинг ҳаётда ўз изи бор, айни кунда унинг 27 нафар шогирдлари бошланғич синфларда ёшларга сабоқ бераётир. Муаллим учун бу оламда шундан юксак бахт борми!

Оброннинг обрўли қизи Гулбодом Эштурдиеванинг кўксини «Методист ўқитувчи», «Халқ таълими аълочиси» нишонлари, биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени ва бошқа медаллар безаб турибди.

Гулбодом опа янги ўқув йилини ўзгача бир завқ билан бошлади. Унинг Қарши давлат университети доцентлари Талъат Ғаффорова ва Эргаш Шодмоновлар билан ҳамкорликда яратган лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича «Савод» дарслиги ўқувчилар қўлига етиб келди. Ўзи ҳам муаллиф бўлган дарсликни ўқувчилари қўлларида кўриш ва яна худди ана шу дарсликдан 1-синфда ўғил-қизларга дарс беришни бир тасаввур қилиб кўринг-а! Бундай юксак бахтга муяссар бўлиш, менимча, осон иш эмас.

— Очиғи, хурсандчилигимни мен сизга сўз билан ифода этолмайман. Юрагимда ҳали жуда кўп ниятларим бор. Насиб бўлса, яна бошланғич таълимга оид анча-мунча ишларим ўқувчилар қўлларига тегади, — дейди Гулбодом опа. Мен бу сўзларни Гулбодом опанинг ором билмас қалбида туғён ураётган орзуларнинг дебочаси деб билдим. Ҳа, биз ҳаммамиз «бир кам яралган» бу ёруғ дунёда орзулар билан тирикмиз. Келинг, истак билдирайлик: қишлоқ муаллимаси Гулбодом Эштурдиеванинг ҳам қалбларидаги қат-қат пок муродлари ушалсин!

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

**Тинчлик корпуси қутлайди**

PEACE CORPS

*On the occasion of National Teacher's Day, Peace Corps Uzbekistan congratulates the Ministries of Public and Higher Education, the Oblano and Tarano of all Regions of the Republic, School and University Administrators, Teachers and Peace Corps Volunteers. We wish you a healthy, successful and satisfying school year and share with you your hopes and aspirations for Uzbekistan's future generation.*

*Tabriklaimiz!*

*Ёш футболчиларнинг республика биринчилиги мусобақалари тантанали очилди*

## ФУТБОЛ БАЙРАМИ

*Спорт*

Футбол беллашувлари ҳамиша ёшу қари — барча ишқибозларга завқ-шавқ берувчи оммавий спорт тури эканлиги ҳеч кимга сир эмас. 2 октябрда пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби ўйингоҳига тўпланган минг-минглаб томошабинлар ажойиб спорт байрамининг гувоҳи бўлишди. Стадионда карнай-сурнай садолари янгради. Яшил майдонда гимнастикачи ва акробатларнинг, Республика ўқувчилар саройи раққосаларининг чиройли томошалари байрамга файз киритди.

Ҳарбий оркестр садолари остида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар (Навоий вилоятидан ташқари), Тошкент шаҳри футбол командалари шаҳдам қадамлар билан марказий минбар олдига келиб сафланишди.

«Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши раиси М. Ҳайдаров футбол бўйича республика биринчилиги ўтказувчи штаб бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Х. Ф. Маъсудовга футбол командалари саф тортганликлари ҳақида рапорт беради.

Вазир ўринбосари ёш футболчиларнинг республика биринчилиги мусобақалари бошланиши билан қутлаб, ҳукуматимиз футболни ривожлантириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилаётганлигини, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республика Вазирлар Маҳкамаси футболни ривожлантириш юзасидан 2 та қарор чиқарганлигини таъкидлаб ўтди. Нотиқ ёш футболчиларга мурожаат қилиб, уларнинг спорт соҳасида муносиб ўринбосарлар бўлиб етишишларига умид билдирди. Шундан сўнг Ўзбекистон Давлат Гимни садолари остида республика Давлат байроғи кўтарилди.

Стадионга тўпланган ўқувчилар Бухоро ва Тошкент вилоятлари терма командалари ўртасидаги қизиқарли учрашувни томоша қилишди. Бу беллашувда бухороликлар 5:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Спорт байрами очилиши маросимида Ўзбекистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. С. Саиджонов, вазир ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев иштирок этди.

Пойтахтимизнинг «Динамо» ва Тошкент Олий умумқўшин командирлар билим юрти ўйингоҳларида 1 ва 2 октябрь кунлари бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Сурхондарё — Сирдарё 1:2
Жиззах — Наманган 3:0
Хоразм — Бухоро 0:1
Тошкент вилояти — Фарғона 2:2
Тошкент шаҳри — Самарқанд 3:0
Хоразм — Қорақалпоғистон Республикаси —1:1
Қашқадарё — Жиззах 0:2
Тошкент шаҳри — Сурхондарё 1:1
Наманган — Сирдарё 0:2.

**Ғ. МАННОПОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

**СУРАТЛАРДА: спорт байрамидаги лавҳалар.**
**Суратка ш: Р. ГАЛИЕВ.**

## ФАХРИЙЛАР ХОНАДОНИДАГИ БАЙРАМ

Ўзбекда байрам кўп. Яна ҳар байрамда ўзбекнинг хонадонида ош тортилади. Фахрий педагоглар республика кенгаши фахрий педагогларимиз учун баайни бир хонадон. Куни кеча ҳам мазкур хонадон гавжум бўлди. Ўқитувчилар куни муносабати билан бу ерга бир гуруҳ отахон муаллимлар таклиф қилинди. Хонадон соҳиби Шораҳим ота Гадойбоев айтганидек, бир пиёла чойу ва ўзбекона ош (усиз гурунг гурунг бўлармиди) устида ўтган кунлар эсланиб, чигиллар ёзилди. Ғиж-ғиж ҳикматлар дур каби сочилди.

Республика Таълим маркази директори Ғайрат Шоумаров фахрийларимизни табриклаб, биз ҳамиша хизматингиздамиз, деди. Айниқса халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султоновнинг атайлаб келиб табриклагани отахонларнинг кўнглини кўтариб юборди.

— Сизлардай тажрибакор, пурҳикмат маслаҳатгўйларимиз бор экан, маорифимизнинг бўйи дунёларга бўйлашаверади, — деди Муртазо Султонов.

Мумтоз куй-қўшиқлару шеърлар кечага янада файз бахш этди.

**А. ШОКИРОВ.**

Устозларни биргалашиб қутлаймиз. Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Фарзанд гўдаклигида бағрингизда, ёнгинангизда кўзингизни, дилингизни яшнатиб ўсади. Аммо шундай бир кун келадики, энди у ҳаётга — билимлар дунёсига кириб бориши, қадамба-қадам ўқиши, ўрганиши лозим бўлади. Энди уни сиз минг бир ҳаяжону ҳадик билан мактаб отлиғ улуғ ва қутлуғ даргоҳга йўллайсиз. Жигарғўшангизга пешвоз чиққан устознинг қиёфасидан, муомаласидан ўзингизга, дилингизга яқинлик, илиқлик, ҳамдардлик ёлайсиз. Излаганларингизни тополсангиз кўнглингиз тўлади, ўзингизни бахтли ҳис этасиз, — демак фарзандингиз ишончли қўлларда...

Биз — Тошкент шаҳрининг Сирғали туманидаги 300-мактаб-лицей 9-«Ж» синфи раҳбари — рус тили ва адабиёти муаллимаси Санобархон Алимовадан ниҳоятда миннатдормиз. Санобархон ўзининг ҳаётий тажрибалари, билими ва таъкидлаш жоизки, бутун борлиғини таълим-тарбияга бағишлагувчи устозлар тоифасидан. Синфидаги ҳар бир ўқувчининг билими, лаёқати, орзу-умидларини инобатга олган ҳолда муносабатда бўлади. Унинг жонкуярлиги, фидоийлиги туфайли синфда ўтган йили ўзлаштириш натижалари яхши бўлди. Лицейда Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган конкурсда бу синф жамоаси алоҳида ажралиб турди. Санобархон фарзандларимизга фақат устозгина эмас, уларнинг яқин дўсти ва меҳрибон маслаҳатчиси ҳам. Тарбиявий ишнинг бутун маззмунини ёшлар онги ва қалбида Ватанга, халққа меҳр-муҳаббат уйғотишга қаратади. Ўқувчилар билан бирга пойтахтнинг муқаддас қадамжолари, музейлар, санъат масканлари, истироҳат боғлари бўйлаб сайру саёҳатлар уюштиради.

Биз фарзандларимизнинг меҳрибон ва ғамхўр устозини ўқитувчилар байрами билан қутлаймиз, унга бахту саодат, хайрли ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

**Сирғали туманидаги 300-лицей-мактаб 9-«Ж» синфи ўқувчиларининг ота-оналари.**

## КЕЧИРИНГ, ОНАЖОНИМ...

*Ҳикоя*

Қўшнимиз Холидаларнинг яшашини кўрсам бир хилдек бўлиб кетаман. Бу данғиллама уйлар, ичидаги ҳашамлар, қимматбаҳо жиҳозлар... Яқинда яна битта ҳовли сотиб олишди. Еттинчи синфда ўқийдиган укасига эмиш... Ойиси бир ошхонанинг буфетида ишлайди, ҳар куни ишдан каттакон сумкани тўлдириб келади. Дадаси чойхоначи, уйда камдан-кам бўлади. Ойисининг бефарзанд сўққабош холаси Холидалар билан бирга яшайди, аслида хизматкор деса ҳам бўлаверади, рўзғорнинг бордикелдисига шу жавобгар. Холида эса эрка қиз, бекорчи, шунинг учун кўпинча зерикиб қўярда қўймай уйларига олиб чиқади. Очиғи уларникидан уйимизга қайтганимда боя айтганимдек бир хилдек бўлиб кетаман. Бизнинг уйимиздаги жиҳозлар Холидаларникидан юздан бирига ҳам арзимайди. Айниқса, Холиданинг ойиси кечқурун ишдан келиб, нимта-нимта гўшт, сариёғларни сумкасидан олиб совуқхонага жойлаштирганини, даста-даста пулларни чаққон-чаққон санаб қайтадан тахлашларини кўрсам ойим кўз олдимга келади. Холиданинг ойиси икки бети қип-қизил, кўзлари ўйнаб турадиган, жилмайса оғзидаги тилла тишлари ярақлаб кетадиган аёл. Ойимчи?? Ўзи Холиданинг ойиси билан тенгдош, лекин сочларига аллақачон оқ оралаган, юзи сўлғин, қачон қарасам бир сумка дафтар кўтариб юради.

Очиғи кейинги пайтлар ойим менда ачиниш ҳиссини уйғотиш билан бирга, бу сафар синфимдаги болалар кўп беш оляпти ёки фалончи ўқувчимнинг ёзуви ёмонлашаяпти, ота-онаси билан гаплашишим керак, дейишлари ғашимни келтирадиган бўлиб қолганди. Бундай пайтлар мен гапни чалғитиб Холидалар ҳақида сўзлаб кетардим.

— Сира уларнинг яшашига ҳавас қилма қизим, — дерди ойим менга танбеҳ бериб. — Хўжа молини емак керак, жавобини бермак керак. Унақа давлатдан мен ҳазар қиламан.

Шунда, войбу, улар ҳам ўтаяпти дунёдан ял-ял ёниб, сиз ҳам ўтаяпсиз буришиб-тиришиб, деворишдан зўрға кириб келаркан, қувончдан ялял ёнганча деди: — Қизим мени табрикла, халқ маорифи аълочиси бўлдим.

Унинг кўксида йилтираб турган, китоб акси туширилган нишонга бир кўз ташлаб қўйдим-да, — табриклайман, — дедим хафсаласиз оҳангда. Хаёлим эса боя Холидаларникида кўрган нарсаларга кетганди, ойиси унинг сепига деб бир ажойиб пальто олибди.

— Раҳмат қизим, раҳмат, деди ойим аҳволимга эътибор бермай.

— Сен ҳам мактабни тамомлаб ўқиб ўқитувчи бўласан, ишимни давом эттирсанг, деган умидим бор.

Мен ўзимни тўхтата олмай қолдим. Қандай қилиб оғзимдан сўзлар отилиб чиққанини ҳалигача тушунмайман.

— Икки дунё бир келгандаям ўқитувчи бўлмайман, — дедим аламимдан тишларимни ғижирлатиб. — Шунча йил ишлаб олганингиз бир бўлак темирми?.. — Бу темирни таққандан кўра қўшақўша тилло таққанлар бирор даврага кирса ўрнини топади. Ҳамма ҳавас қилади. Ана Холиданинг ойиси қилган сепни кўринг, ҳатто боласининг боласига ҳам етиб ортади. Биз-чи?! Ақалли армиядаги акамни уйлантиришингиз учун тузукроқ тайёргарлигингиз йўқ. Нима мени ҳам ўзингизга ўхшатиб...

— Бас етар. Ҳаммасини тушундим, раҳмат сенга! — деди ойим ранги оқариб ва бошқа ҳеч нима демай уйга кириб кетди.

Гапиришга гапириб қўйиб пушаймон бўлдим. Оббо, ҳеч бўлмаганда шу бугун бу гапларни гапирмаслигим керагиди, дея ўйладим ва уйга кириб кечирим сўрамоқчи бўлдим. Сўнг, кийимларини алмаштираётган бўлсалар керак, деб ошхонага кириб овқатга уннадим. Овқат пишай деб қолди ҳамки ойимдан дарак бўлмади. Юрагимга хавотирлик иниб, ичкарига кирдим-у, тахтадек қотиб қолдим. Ойим каравотда кўчалик кийимини ечмасдан инграб ётарди. Додлаганча югуриб қўшнимизникига чиқдим. «Тез ёрдам»ни чақирдик. Шифокор ойимни текшириб кўрди-да, касалхонага ётқизмаса бўлмайди, миясига озроқ қон қуйилибди, деди. Дадам Тошкентга, ойимнинг қўлида ўқиган машҳур бир профессорга қўнғироқ қилганди, эртаси куниёқ етиб келди. Ана шундагина ойим нақадар обрўли инсон эканлигини тушуниб етдим. Ойимнинг шогирдлари, бирлари қўйиб, бирлари хабар оладилар. Профессорнинг ўзи уч кун бошидан нари кетмади. Мен эса уят-у, аламдан адо бўлдим. Ойим кўз очган куни олдига киргизишди. Ойимга кўрсатилаётган меҳрибончиликларни кўриб ўзимдан баттар нафратланиб кетдим. Бир оғиз ҳам гапира олмай ўтирганимни ўзича тушунган навбатчи шифокор менга тасалли берди: — Хавотир олманг синглим, ўша куни устоз қувончдан кўп ҳаяжонланганлар, худо хоҳласа тузалиб кетадилар. Мен кўз ёшларимни тия олмай ерга қарадим. Ойимнинг олдидан чиқиб уйга келгунимча йиғлаб келдим. Дарбозамизга етганимда Холидаларнинг уйи олдига такси келиб тўхтади ва ойиси ичи тўла сумкани инқиллаганча кўтариб тушди. Ҳайдовчи, берган пулингиз кам, — деганди у шанғиллаб берди: — Инсофингиз борми ўзи, беш панжангизни оғзингизга тиқасизми?

— Эй сендақа инсофлидан ўргилдим, — деди ҳайдовчи машина ойнасидан бошини чиқариб. — Ароққа сув қўшиб сотган сен инсофли-ю мен ноинсоф бўлдимми?

Холиданинг ойиси мени кўриб қолди, шекилли, тўнғиллай-тўнғиллай кармонидан пул чиқариб ҳайдовчига узатди. Сўнг шоша-пиша уйига кириб кетди. Бир оғиз ойинг қандай, деб сўрамади ҳам-а, ҳали шунинг юриш-туришига ҳавас қилиб юрибман-а, дедим уятдан ловлов ёниб, оҳ, ойижон, ҳаётингизда ҳеч ким билан шундай муомала қилмаган бўлсангиз керак. Фақат мен сизнинг дилингизни оғриттдим. Ўша куни бир оғиз ширин сўзимни аямаганимда шу аҳволга тушмаган бўлардингиз. Кимларга ҳавас қилиб, аламига жон бериб, сут берган ойижонимни ер билан битта қилиб ўтирсам-а! Қозонга яқин юрсанг қораси юқади, деб шуни айтсалар керак...

Ойимнинг ҳаётини сақлаб қолишди, лекин у ногирон бўлиб қолди.

Орадан бир йил ўтди. Муаллимлар илмгоҳига ўқишга кирдим. Лекин институтни тамомлагунимча ойимнинг яшашига кўзим етмасди. Шунинг учун ўқишни сиртқи бўлимга ўтказиб, ойим ишлаган мактабда дарс бера бошладим. Астойдил тиришиб ишлардим...

Орадан кўп ўтмай ойим оламдан ўтдилар. Лекин у жони узилар экан, мени бағрига босиб, сендан розиман қизим, дея шивирлади. Унинг сўнгги ўтли нафаси юзимни куйдириб ўтди. Ойимни сўнгги йўлга кузатиш учун тумонат одам тўпланди. Тўпланганларнинг ярмидан кўпи онамнинг шогирдлари эди. Лекин мен барибир виждон азобида қийналар эдим. Бир оғиз гапни ўйламай айтганим қалбимда битмас яра қолдирган эди.

**Сайёра МАМАДИЕВА,**
**Жиззах туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси.**

## МАЪНАВИЯТГА АҲАМИЯТ

Маънавият — инсонийлик мезони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида маънавият ва маърифат мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг устивор йўналиши деб белгиланган, шунингдек, ёшларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор берилгани буни яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Ҳамма жойларда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам маънавият ва маърифат ишлари жонланиб кетди.

Давлатобод тумани ҳокимлигида республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда Президентнинг мазкур Фармони бажарилиши юзасидан кўргазмали семинар ўтказилди. Унда маънавият ва маърифатга мутасадди зиёлилардан ташқари, барча туманлар ҳокимлари муовинлари ҳамда ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Чустдаги Алишер Навоий номли 10-мактабда маънавият бурчаги ташкил этилди. Давлатобод туманидаги ёш футболчилар мактабида ҳам шундай бурчак мавжуд. Наманган туманидаги «Ижодкор» жамоа хўжалигида эса маънавият ва маърифат бўлими иш бошлади.

**Зиёда ҒАФФОРОВА.**

*Кўнгил битиклари*

## МУАЛЛИМ ҚАСИДАСИ

*Ассалом муаллим, ассалом устоз,*
*Истиқлол қўлимга берди олтин соз.*
*Шаънинггга шеър битай, куйлай довруғинг,*
*Қалбимда сен ёққан ҳеч сўнмас чўғинг.*
*Чироқсиз уй эди бу дунё азал,*
*Боболар ёқдилар илмдан машъал.*
*Мозийга қарайман, қавмим Зарнужжий[1]*
*Илк дарсни толибга у этмиш жорий.*
*Бир-бирин таниди бу оми мардум,*
*Бири толиб, бири устоз-муаллим.*
*Қўлимга тутқазиб илк бора қалам,*
*Тилимга бердинг сен энг қайноқ калом.*
*Мактаб сўқмоғидан ҳижжалаб ўтиб,*
*Йўлим катта йўлга туташди бориб.*
*Англадим Темурдек бобом борлигин,*
*Назмда Навоий улуғворлигин.*
*Хоразмий ҳисоби қолди зикримда,*
*Улуғбек юлдузи чақнар фикримда.*
*Дунё китобини ўқитдинг бир-бир,*
*Менга аён бўлди, фандаги кўп сир.*
*Муаллим — оламнинг ёниқ чироғи,*
*Муаллим сўзлари — ҳаёт булоғи.*
*Муаллим — қалбларда фахр ва ғурур,*
*Муаллим — кўзларда порлоқ, тоза нур.*
*Муаллим чорласа «лаббай» деб туринг,*
*Муаллим сабоғин юз бор ўрганинг,*
*Ҳар шогирд муаллим кўзи қораси,*
*Муаллим—болажон жигарпораси.*
*Муаллим шуури — сўнмас аланга.*
*Зиёси таралар Ўзбекистонга.*
*Муаллим — шогирдлар қалбида меҳмон,*
*Муаллим болалик тахтида султон.*
*Муаллим — дунёнинг юраги гўё,*
*Муаллим илмидан яшарар дунё.*
*Муаллим хўрланди, лекин сўлмади,*
*Муаллим ҳақ томон, таслим бўлмади.*
*Муаллим куч берди руҳга, имонга,*
*Муаллим одоби — оройиш жонга.*
*Муаллим бор экан, авлод суюкдир,*
*Илм-фан инсонга мангу шерикдир.*
*Муаллим — ҳаётнинг тиргак, устуни,*
*Муаллим — келажак, яратар уни.*
*Муаллим зеҳнидан гул очгай чаман,*
*Кенгликлар ободдир, ободдир Ватан.*
*Юрак осмон бўлса муаллим — қуёш,*
*Йўлда ёлғиз бўлсанг муаллим йўлдош.*
*Муаллим — забонинг, муаллим — урфинг,*
*Муаллим — миллатинг, тикланган қадринг.*
*Муаллим — маърифат, муаллим — нажот,*
*Муаллим бахш этар орзу ва қанот.*
*Устозни унутса хастадир юрак,*
*Устозга бош эгмоқ инсоний тилак.*
*Боболар курашган истиқлол келди,*
*Момолар тилашган нур, иқбол келди.*
*Муаллим ўйида истиқлол нури,*
*Тиниқлашиб борар бола шуури.*
*Ҳофизим куйлагин муаллим учун,*
*Шоирлар кўрсатган ашъорда кучин.*
*Дардига малҳам бўл, жон шифокорим.*
*Муаллимни қўлла, халққа сардорим.*
*«Муаллим бўлмаса дунёда агар,*
*Ҳаёт ҳам бўлмасди, гўзал бу қадар».*
*Муаллим изламас савобдан бўлак,*
*Қалбига лаҳча чўғ, офтобдан бўлак.*
*Устозим, иқболинг саодат, сабр,*
*Ҳур Ўзбекистон бор, топгайсан қадр!*

**Баҳром МАҲМУД,**
**Қашқадарё вилояти ХТХМОИ ходими.**

*Бурҳониддин Зарнужжий 1150 йилда дарс системасига биринчи асос солган киши (Марғилон мадрасасида).*

*ШУ ДЕСАНГИЗ...*

***Мактаб, ўқувчилик даври файзиёб бир олам. Бу оламнинг бутун суруру гаштлари бир умрга татигулик. Афсуски, қайтарилмас. Қизиқ фалсафа: инсон учун қадрли бўлган барча нарса фақатгина бир марта инъом этилар экан. Кейин эса Армон, Хотира...***

***Мен ҳам ўша ўчмас даврларни хотира ойнасида кўзгулантириб ўтириб, ўқувчилигимдаги бир неча ҳангомалар ёдимга тушди. Ва уларни сизнинг ҳам «сардафтар»ингизга рақам этмоққа жазм этдим.***

### ҲОЗИРЖАВОБЛИК УЧУН «БЕШ»

Бизга физиқадан Ҳабибулла Неъматов деган муаллим дарс берарди. Ўта билимдон ва қаттиққўл эди. 9-синфда ўқирдик, чамаси. Ўқув йили тугаш арафасида. Ҳабибулла ака ўтилган мавзулардан савол бериб, чорак баҳоси чиқаряпти. Навбат Акмал деган синфдошимизга келди. Муаллим сўради:

— Қани Рустамов, айтчи, биз 9-синф физикасини ўрганишни қайси қисмдан бошлаган эдик?

Акмал ҳозиржавоблик билан деди:

— «Кириш» қисмидан.

Ҳамиша жиддий юрадиган муаллим бизга қўшилиб кулиб юборди-да, Акмалнинг топқирлиги учун «беш» қўйиб берди.

### «ПОДСКАЗКА»

Физика дарси кетаётган эди. «Оптика» мавзуси уй вазифаси қилиб берилган. Ўқитувчимиз Ҳабибулла аканинг олдида одам кўзининг макети турибди. Фарида деган синфдош қизимиз доскага чиқди. Кўзнинг қисмларини макетдан кўрсатиб, номларини айта бошлади. Қисмлардан бирининг номи эса ҳадеганда эсига келавермади. Болалар бу ердан шивирлаб айта бошлашди: гавҳар, гавҳар...

— Гавҳар, — деди Фарида ҳам болалардан илиб олиб.

— Йў-ўқ, нотўғри айтдинг, — деди Ҳабибулла ака бошини сарак-сарак қилиб. — Бунинг номи «гавҳар» эмас, «подсказка».

— «Подсказка» деганингиз русчасида, малим, — деди Фарида ҳам ўзини оқлаб.

### КОСМОНАВТЛАР ВА ФАХРИЙЛАР

Бир куни рус тили дарсида ўқитувчимиз Луқмонхон Валиев Ҳабиба деган синфдошимизга савол берди:

— Назови пожалуйста, космонавтов.

Ҳабиба санай бошлади:

— Ҳожи бобо, Мурод бобо, Обид бобо...

Синфда гурра кулги кўтарилди. Кейин билсак, Ҳабиба «космонавт» билан «ветеран»нинг фарқига бормай қишлоғимиздаги уруш қатнашчиларини бирма-бир санай бошлаган экан.

### ЛОМОНОСОВНИНГ СУРАТИ

Илҳом деган синфдошимиз дарсларда ҳамиша ўзининг хаёли билан ўтирарди. Бир куни химия дарсида ўқитувчимиз Раҳимжон Қодиров мавзуни ўтиб бўлдилар-да, тўсатдан Илҳомга:

— Чўлиев, болаларга Ломоносовнинг суратини кўрсатиб юбор-чи, — дедилар.

Ногаҳоний саволдан сесканиб ўзига келган Илҳом шартта ўрнидан турди-да, кўрсаткични олиб, шкафнинг устида қаққайиб турган қандайдир асбобнинг олдига бориб:

— Мана, — деди.

**Асқар ШОКИР.**

## БИЛМАСАНГИЗ БИЛИБ ҚЎЙИНГ

Дунёдаги энг катта Греландия ороли 2 километр қалинликдаги муз билан қопланган. Қиғоқлардаги 3,5 фоиз ердагина аҳоли яшайди.

***

Ердаги энг шимолий шаҳар Норвегиянинг Хаммерфес шаҳридир. У етмиш даража шимолий кенгликда жойлашган.

***

Энг йирик Ҳимолай тоғлари тошларга майдалаб чиқилса, ер юзини 20 метр қалинликда қоплар экан.

***

Узунлиги 240 километрли энг узун ғор — Мамонтава АҚШда бўлса, энг чуқур — 1220 метрли Тантал ғори Австрияда жойлашган.

***

Музликлардан ҳосил бўлиб Гарда кўлига қуйилувчи Арил дарёси энг калта дарёдир. Узунлиги 84 метр эканлигига қарамай, унинг ёрдамида бир нечта сув тегирмони ва кичик электростанция ишлаб турибди.

***

Ёмғир тинимсиз ёғадиган жой дунёда иккита: улардан бири Ҳиндистоннинг Черрапунж вилояти бўлиб, Ҳимолай тоғларининг булутлари сира тинмайди. Парагвайнинг Парана дарёси яқинида эса Ла-Гуайра шаршарасининг суви шамол орқали ёмғир бўлиб ёғади.

***

Энг баланд отилувчи гейзер АҚШ қўриқхоналаридаги Глан гейзери бўлиб, суюқликни 76 метрга отади.

**О.ҲАКИМОВ тайёрлади.**

## «УСТОЗЛАР МАДҲИ» МУАММОНОМАСИ

**Азиз муштарий! Аввал қуйидаги муаллимлар мадҳ этилган мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, оқилона ҳал этинг.**

**1. Шуҳрат:**
*Агар ҳаёт 13, 18, 17, 10, 4, 20. бўлса*
*боғбон муаллим,*
*Агар ҳаёт карвон бўлса, сарбон*
*муаллим.*
*Агар ҳаёт денгиз бўлса, гавҳар*
*муаллим,*
*Агар ҳаёт олтин бўлса*
*16, 2, 3, 11, 2, 3. муаллим.*

**2. Ғафур Ғулом:**
*Маънавий ва руҳий камолот учун*
*Ота-онамиздек*
*1, 9, 21, 10, 2, 3, 2, 1. устод —*
*«Алифбе» ўргатган ўқитувчининг*
*Ҳурматини сақлагум абад, умрбод.*

**3. Носир Хисрав:**
*Кимки шогирдликка 12, 7, 20.*
*дилидан шод,*
*Бир кун ўзи ҳам бўлгуси устод.*

**4. Абу Шукур Балхий:**
*Ҳаёт сени 15, 21, 10, 7, 1, 4, 8. ўз*
*олдига ўтказар,*
*Ундан яхши муаллим топмоғлигинг*
*муқаррар.*

**5. Саъдий Шерозий:**
*Юборди ўғлини мактабга*
*14, 4, 5, 19, 4.*
*Қилиб қўйнига нуқра тахтача жо.*
*6, 9, 1, 9, 19. ул тахтага заррин*
*битибди ёд,*
*«Ота меҳридан афзал жабри устод».*

**Энди шаклдаги ҳарфларни жавоб сўзларидаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммони ҳал этинг. Бунда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг устоз муаллимлар мадҳига оид яна тўрт мисра шеъри аён бўлади.**

**Тузувчи Фозилжон ОРИНОВ.**



Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САЙДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда Усмонова, Улуғбек Жумаев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0582. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456